

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Деҳқонобод калий заводи» АЖ

Бўшқаруви раиси ўринбосари

Р.Туракулов

2022 й.



Жамиятимизда жорий этилган O'z DST ISO 9001:2015 "Сифат менежменти тизими" ресертификатлаштириш ҳамда O'z DST ISO 50001:2019 "Энергетик менежменти тизими" ва O'z DST ISO 14001:2015 "Экологик менежменти тизими" ни сертификатлаштириш аудитларини ўтказиш мақсадида хизмат кўрсатувчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1	Умумий қоидалар.		
		1.1	<p>Танлаш предмети: Жамиятимизда жорий этилган O'z DST ISO 9001:2015 “Сифат менжменти тизими” ресертификатлаштириш ҳамда O'z DST ISO 50001:2019 “Энергетик менжменти тизими” ва O'z DST ISO 14001:2015 “Экологик менжменти тизими” ни сертификатлаштириш аудитларини ўтказиш.</p> <p>Танлаш предмети битта бўлинмас лот ҳисобланади</p>
		1.2	<p>Техник топшириқ бўйича Танлашнинг охириги қиймати бажариладиган ишлар учун ҚҚС билан 36 000 000 (Ўттиз олти миллион) сўмдан ошмаслиги керак.</p> <p>Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар охириги қийматдан юқори бўлмаслиги керак.</p> <p>Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар максимал қийматдан юқори бўлмаслиги керак.</p>
		1.3	<p>Хизмат кўрсатиш бўйича техник талаб танлаш ҳужжатининг техник қисмида келтирилган.</p>
		1.4	<p>Танлаш комиссиясининг мажлиси – сиртдан электрон шаклда ўтказилади.</p>
2	Танлаш ташкилотчилари	2.1	<p>“Дехқонобод калий заводи” АЖ танлаш буюртмачиси (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) ҳисобланади.</p> <p>Манзил: Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани, Бешбулоқ қишлоғи, “Дехқонобод калий заводи” АЖ</p> <p>Банк: “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Қашқадарё минтакавий филиали</p> <p>Х/Р: 20210000904620443001</p> <p>МФО: 00854</p> <p>ИНН: 206887857</p> <p>ОКОНХ: 13116; ОКЭД 20151</p>
		2.2	<p>Мулоқот учун маъсул шахс: Комиссия котиби – “Дехқонобод калий заводи” АЖнинг шартнома мажбуриятлари ва ғазначилик бўлими етакчи иқтисодчиси Остонов Бахтиёр Баратович</p> <p>Тел.: (998 91) 450-72-00, Талабнома киритган бўлинма раҳбари: Т.Зарипов. (98) 776-89-99.</p>
		2.3	<p>Ғолиб билан шартнома имзолувчи: “Дехқонобод калий заводи” АЖ</p>
		2.4	<p>Танлаш, “Буюртмачи” томонидан ташкил қилган, таркиби камида беш кишидан иборат, танлаш комиссияси томонидан ўтказилади.</p>




		2.5	Танлашда, мулкчилик шаклидан қатъий назар, истаган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин. (4.2 бандда келтирилган шахслар бундан мустасно).
3	Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар	3.1	Танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар гаров сифатида, танлаш предметининг максимал нархидан 3 (уч) фоиз миқдорида etender.uzex.uz махсус ахборот порталининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб беради (<i>гаров суммаси шартнома имзолангандан сўнг иштирокчига қайтарилади</i>)
		3.2	Танлаш харидлари бошланишидан олдин танлаш комиссияси иштирокчиларни қуйидаги тартибда танлаб олади: Бал усули – танлов таклифининг техник ва квалификацион ҳамда нарх қисимларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини ғолиб сифатида аниқлайди. Танлашда иштирок этиш учун фақат малакавий танлашдан ўтган иштирокчиларга рухсат берилади. Малакавий танлаш учун иштирокчилар қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак: <ul style="list-style-type: none"> - шартномани бажариш учун зарур бўлган техник, молиявий, моддий, кадрлар ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги; - шартнома тузиш ҳуқуқи; - уларга нисбатан киритилган банкротлик процедураларининг йўқлиги; - инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида ёзувнинг йўқлиги; -УРҚ -684-сонли “Давлат харидлари тўғрисидаги қонуннинг 59-моддасига Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза (2-илова)
4	Танлашни ўтказиш шарти	4.1	Қўйидаги иштирокчиларнинг танлашда қатнашишига йўл қўйилмайди: Қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган; “Буюртмачи” билан судда ёки ҳакамлик судида тортишаётган; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги бор; имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамларига эга бўлган.
		4.2	Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиради: Иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда

			“Буюртмачи”нинг ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимида давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлаш таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;
		4.3	иштирокчи адолатсиз танлаш устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.
5	Танлаш тили.	5.1	Танлаш таклифи, иштирокчи ва “Буюртмачи” томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак.
6	Танлаш таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби	6.1	Иштирокчи etender.uzex.uz очик электрон ахборот портали орқали эълон қилинган лот бўйича танлаш таклифларини тақдим қилишлари керак.
		6.2	Порталда эълон қилинган танлаш иштирокчилари, ўз таклифларини etender.uzex.uz очик ахборот порталида берилган эълонда белгиланган тартибда танлаш ўтказилиши ҳақидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича тақдим қилади.
		6.3	Танлаш иштирокчиси: тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун маъсул ҳисобланади; тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.
		6.4	Танлаш таклифи танлаш шартларига мос бўлган ва қўйидаги маълумотларни қамраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади: хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, якуний сумма, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиши муддати ва ҳ.з.
		6.5	Танлаш таклифи икки қисмдан иборат: - техник қисм. Буюртмачининг техник топшириғига мос келиши ва таклиф этилаётган хизматларнинг батафсил тавсифидан иборат; - нарх қисми. Танлаш шартларига мувофиқ бўлиши ва қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: хизматларнинг номи, хизматларнинг нархи, умумий миқдори ва тўлаш шартлари, солиқлар, таклифнинг амал қилиш муддати ва бошқалар.
		6.6	Танлаш таклифлари қўйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани, Бешбулоқ қишлоғи-180405, “Дехқонобод калий заводи” АЖ.
7	Тақдим қилинган танлаш таклифлари муддатини узайтириш	7.1	Зарур ҳолларда, “Буюртмачи” танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш комиссияси қарорига асосан, танлаш иштирокчиларига

			таклифларини амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги таклиф билан таклифларни қабул қилишинг охириги муддатидан 3 кун олдин мурожаат қилиши мумкин.
		7.2	Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон махсус ахборот порталда жойлаштирилади.
8	Танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш	8.1	<p>Зарур ҳолларда “Бююртмачи” танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.</p> <p>Танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор, таклифларни тақдим қилиш муддати тугашидан камида 3 (уч) кун аввал қабул қилиниши мумкин.</p> <p>Танлаш таклифларига ўзгартишлар киритиш жараёнида кўрсатиладиган ишлар, хизматлар ёки уларнинг тавсифлари ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.</p> <p>Таклифларни бериш муддати тугаган пайтда танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганда танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан бошлаб, камида 5-12 кунга узайтирилади.</p> <p>Айни пайтда эълонда кўрсатилган маълумот ўзгартирилган тақдирда, танлашни ўтказиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартишлар киритилади.</p>
9	Танлаш таклифлари куриб чиқиш таомили ва уларни баҳолаш мезонлари	9.1	Иштирокчиларнинг танлаш таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати, танлаш таклифлари берилиши якунланган санадан бошлаб 10 (ўн) кундан ошмаслиги керак.
		9.2	Танлаш комиссияси рад қилинмаган таклифларни баҳолаб, танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида танлаш ғолибини аниқлайди.
		9.3	Танлаш иштирокчиси тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг сохталиги аниқланса, танлаш комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли.
		9.4	Танлаш таклифларини баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш танлаш ҳужжатларида баён қилинган мезонлар асосида амалга оширилади.
		9.6	Таклиф амалдаги қонунчилик ва танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.
		9.7	Танлаш таклифи амалдаги қонунчилик ва танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, танлаш комиссияси таклифни рад этади.
		9.10	Агар танлаш иштирокчилари танлаш таклифларини турли валюталарда кўрсатса, таклифлар суммалари уларни баҳолаш пайтидаги сана бўйича танлаш таклифининг нархга оид қисми билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ягона валютада ҳисоб-китоб қилинади.

		9.11	Танлаш ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.
		9.12	Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлаш комиссияси, бу ҳақда танлаш иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда танлаш таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.
		9.13	Танлашнинг хорижий ва маҳаллий иштирокчилари нархларини адолатли таққослаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда, баҳолаш пайтида тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбуриятлар) ҳисобга олинади
		9.14	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш тизим томонидан баённомада қайд қилинади. Иштирокчилар малакаси ва таклифлари баҳолаш тартиби ва мезонлари 1-иловада келтирилган
		9.15	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш танлаш комиссиясининг барча аъзолари томонидан амалга оширилади.
		9.16	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси эълон қилинганидан сўнг танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси “Буюртмачи”га танлаш натижаларини тушунтириш бўйича сўров юборишга ҳақли. Бундай сўров келиб тушган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришлар беришга мажбур.
10	Бошқа шартлар	10.1	Агар танлашда ишлаб чиқарувчининг илгари Ўзбекистон Республикасига етказиб берилмаган маҳсулотлари таклиф этилса, танлаш комиссияси ушбу маҳсулотга учинчи шахсларнинг маҳсулотга тегишли тавсияни тақдим этишини талаб қилиш ҳуқуқига ега.
		10.2	Танлаш иштирокчиси “Буюртмачи”га танлаш ўтказилиши ҳақидаги эълонда келтирилган шаклдаги танлаш ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар бериш ҳақида сўров юборишга ҳақли. Ушбу сўров “Буюртмачи”га таклифлар берилиши яқунланиши санасидан камида 2 (икки) кун аввал келиб тушган тақдирда “Буюртмачи” кўрсатилган сўров келиб тушган санадан бошлаб 2 (икки) иш куни давомида белгиланган шаклда танлаш ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар юборишга мажбур. Танлаш ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид бўлмаслиги керак.
		11.3	Қуйидаги ҳолларда танлаш ўтмаган деб топилиши мумкин: <ul style="list-style-type: none"> • танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда; таклифларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича танлаш комиссияси барча таклифларни танлаш ҳужжатлари

			талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.
		11.4	<ul style="list-style-type: none"> • Ғолиб бўлган таклиф акцептигача, “Буюртмачи” исталган вақтда танлашни бекор қилиши мумкин. Танлаш бекор қилинган тақдирда “Буюртмачи” махсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.
12	Шартома тузилиши	12.1	Танлаш натижаларга кўра шартнома, Ғолиб билан шартнома тузаётган танлаш “Буюртмачи”си томонидан тақдим қилинган танлаш ҳужжатида кўрсатилган шартлар асосида тузилади.
		12.2.	Танлаш комиссияси томонидан ғолиб деб топилган танлаш иштирокчиси “Буюртмачи”дан тегишли ёзма хабарнома олади.

Иштирокчилар малакаси ва таклифлари баҳолаш тартиби ва мезонлари

Иштирокчиларни малакавий танлаш тартиби ва мезонлари.

Малакавий баҳолаш танлов комиссияси томонидан таклифларни қабул қилиш муддати тугаганидан сўнг амалга оширилади. Агар иштирокчи томонидан талаб қилинадиган маълумотлар тақдим этилмаган бўлса, танлов комиссияси уни танловда иштирок етишга рухсат бермасликка ҳақли.

Малакавий мезонлари.

T/p	Мезон бўйича баҳолаш тартиби (кичик мезон)	Мезоннинг аҳамияти (оғирлиги)	Мезоннинг аҳамияти (фоизда)
1.	Жамиятимизда жорий этилган О'з DST ISO 9001:2015 "Сифат менежменти тизими" ресертификатлаштириш ҳамда О'з DST ISO 50001:2019 "Энергетик менежменти тизими" ва О'з DST ISO 14001:2015 "Экологик менежменти тизими" ни сертификатлаштириш аудитларини ўтказиш (Бал. мезони бўйича аниқлаш 60/40)	19 Бал	100%
	Мезонлар бўйича баҳолаш тартиби: Кичик мезонларнинг умумий суммаси.		
2	Халқаро хамкорлари борлиги	3 бал	16 %
2.1	1 та хамкори бўлса	1 бал	
2.2	2 та хамкор бўлса	2 бал	
2.3	3 ва ундан кўп хамкори бўлса	3 бал	
3	Бажарилган ишлар жами	10 бал	52%
3.1	Учтагача хизмат	5 бал	
3.2	Учтадан бештагача хизмат	7 бал	
3.3	Беш ва ундан кўп хизмат	10 бал	
	Тасдиқловчи ҳужжат: Шу турдаги хизматларини амалга ошириш бўйича охириги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумотлар, ташкилотлар билан тузилган шартномалар нусхаси		
4	Бошқа ташкилотлардан тавсиялар	3 бал	16%
4.1	1 та ташкилотдан тавсия	1 бал	
4.2	2 та ташкилотдан тавсия	2 бал	

4.3	3 ва ундан кўп ташкилотлардан тавсия	3 бал	
5	Ходимлар малакаси бўйича:	3 бал	16%
5.1	Ходимлар иш стажи 1-3 йилгача	1 бал	
5.2	Ходимлар иш стажи 3-5 йилгача	2 бал	
5.3	Ходимлар иш стажи 5 йилдан ортиқ	3 бал	
6	Солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.	Ушбу ҳужжатларни тақдим этиш мажбурий ҳисобланади	
7	Ноинсоф ижрочилар рўйхатида йўқлиги тўғрисида маълумотнома.		
8	Банкротлик ва жамиятмиз билан тортишув ва суд жараенида эмаслиги тўғрисида маълумотнома.		
9	Хизматларни бажарувчи ташкилот ваколатли органларнинг лицензиясига эга бўлиши керак.		
10	Ушбу хизматларни кўрсатиш бўйича иш тажрибаси. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси.		
11	Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза.		
12	Аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома		
	Минимал ўтиш бали - 8	Тотал бал 19 бал	

ШМБ ва Ғ бўлими иқтисодчиси



Б.Остонов

Талабнома берган бўлим-


ИЧМ бўлими бошлиғи ўринбосари

ИЧМ бўлими стандартлаштириш ва сертификатлаштириш

бўйича етакчи муҳандис технологи

Бош энергетик

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи



Д.Хусанов

И.Жумаев

Э.Ядгоров

Т.Жуманов

А р и з а

Аризанинг мазмуни шундан иборатки мен _____ ташкилот рахбари 2021 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-684-сонли қонунига асосан харид қилиш тартиб-таомилларни амалга оширишда бошқа харид қилиш тартиб-таомиллари субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказадиган ҳамда ушбу ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни чеклайдиган ҳар қандай манфаатлар тўқнашуви кўринишларига ва коррупция ҳолатларига йўл қўймайман.

Агар мен юқорида келтирилган талабларга амал қилмасам менга ва ташкилотимга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича чора кўришингизга розиман.

Ташкилот рахбари _____